

РОССИЯ ДАВЛАТ КУТУБХОНАСИНИНГ КОМПЛЕКТЛАШ БЎЛИМИ ФАОЛИЯТИ ВА ТАЖРИБАЛАРИ



Дилноза Агзамова,
Ўзбекистон Миллий
кутубхонасининг
Каталоглаштириш ва
туркумлаштириш
хизмати бош
мутахассиси

Россия Давлат
кутубхонасида
1571 та
мутахассис ўз
фаолиятини олиб
боради, шундан
981 нафари
кутубхона
мутахассислари ва
илмий ходимлар,
130 нафари
дастурчи
ҳамда ахборот
технологиялари
мутахассисидир.
Бундан ташқари,
кутубхонада
13 нафар фан
доктори, 84 нафар
фан номзоди
фаолият олиб
боради



Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан Россия Давлат кутубхонаси билан ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш мақсадида 2017 йил 12 апрелда №ПҚ-2885 сонли қарор имзоланган. Ушбу ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандум доирасида жорий йилнинг 20–25 май кунлари Республика миздаги ахборот-кутубхона муассасаларининг 8 нафар мутахассиси учун Россия давлатининг Москва шаҳрида малака ошириш ўқув машғулоти ташкил этилди.

Хизмат сафари давомида Россия давлат кутубхонаси, Россия Ёшлар кутубхонаси, Россия Давлат илмий-техника оммавий кутубхонаси, Тиббиёт кутубхонаси, Россия Давлат кўзи ожизлар кутубхонаси ҳамда Москва давлат университети илмий кутубхоналари фаолияти билан яқиндан танишдик.

Россия Давлат кутубхонаси томонидан тузилган дастур бўйича директор вазифасини вақтинчалик бажарувчи Владимир Иванович Гнездилов ва директор ўринбосари Наталья Юрьевна Самойленко билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувдан сўнг режа бўйича семинар бошланди. Семинар доирасида «Масофадан туриб ҳужжатларни етказиш: Россия Давлат кутубхонаси тажрибаси», «Комплектлаш ва янги келган адабиётларнинг ҳисобини юритиш», «Россия Давлат кутубхонаси веб-сайти», «Кутубхонашуносликда замонавий стандарт тенденциялар», «Россия ёшлар кутубхонасида ахборот-кутубхона тизимида хизмат кўрсатиш», «Халқаро ҳамкорлик: лойиҳалар» каби мавзуларда маърузалар ва тақдимотлар бўлиб ўтди.

Шу билан бирга, Россия Давлат илмий-техника оммавий кутубхонасида давра суҳбати ҳамда Россия Давлат кутубхонаси Пашков уйининг Нодир нашрлар, нота ва мусиқа, картография бўлимлари фаолияти билан таништирилди.

Хизмат сафари 5 кун давом этган бўлсада, таассуротларга бой бўлди. Тажриба алмашиш давомида ҳар бир кутубхона мутахассисларининг қизиқиш, талаб ҳамда эҳтиёжларига асосланган ҳолда маълумотлар бериб берилди. Бунда комплектлаш, библиография, ҳужжатларни масофадан етказиш, электрон кутубхона, электрон каталоглар бўйича батафсил ва қизиқарли маълумотлар берилиб фикр алмашилди. Тақдимотлардан сўнг мутахассисларни қизиқтирган саволларига жавоблар берилди.

Дунё кутубхоналари орасида Россия Давлат кутубхонаси хизмат кўрсатиш фаолияти бўйича етакчи ўринларда туради. Буни кутубхона фаолияти мисолида кўришимиз мумкин.

Кутубхонага аъзо бўлишда шахсни тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари автоматик тарзда компьютер хотирасига киритилади ва китобхонага махсус чип ёрдамида ўқиш мумкин бўлган карта тақдим этилади. Ушбу карта оқали китобхона кутубхонага ўрнатилган (RFID) радио фазовий идентификация тизимидан фойдаланиш имконияти берилади. Ушбу тизим кутубхонада хавфсизлик масалаларини таъминлаш, китобларни рухсатсиз олиб чиқиб кетилишини олдини олиш ҳамда китобхона формулярига автоматик тарзда ёзиш ва ўчириш, кутубхона тоқчаларидаги китобларни тез ва қулай инвентаризациядан ўтказиш, ўз ўрнига қўйилмаган китобларни топиш, электрон шаклда буюртмаларни амалга ошириш каби имкониятларни тақдим этади.

Бугунги кунга келиб кутубхонада 1571 та мутахассис ўз фаолиятини олиб боради. Шундан 981 нафари кутубхона мутахассислари ва илмий ходимлар, 130 нафари дастурчи ҳамда ахборот технологиялари мутахассисидир. Бундан ташқари кутубхонада 13 нафар фан доктори, 84 нафар фан номзоди фаолият олиб боради.

Кутубхона фонди 47,1 млн нусхани ташкил

этади. Хорижда нашр қилинган ресурслар эса 12,7 млн нусхани, тўлиқ матнли электрон ҳужжатлар эса 2671,1 минг тани ташкил қилади. Шунингдек, 1,3 млн рақамлаштирилган ресурслар мавжуд бўлиб, улар электрон кутубхона таркибига киради. Кутубхона 19 қаватдан иборат бўлиб, ўқув заллари 36 тани ташкил этади. Бир вақтнинг ўзида 1 633 китобхонни қабул қила олади. Китоблар Германияда ишлаб чиқилган телелифт мослама-си орқали етказиб берилади.

Кутубхонага бир кунда ўртача 340 киши (масофадан туриб аъзо бўлганлар ҳам) аъзо бўлади. Бир йилда ўртача 38 300 нафар китобхонга 2 880 та экскурсия ўтказилади. Кутубхонага йилига 425 800 нусха янги адабиётлар келиб тушади. Шундан анъанавий ресурслар 353 500 нусхани, электрон ресурслар 72 300 нусхани ташкил этади.

Комплектлаш бўлими кутубхона ташкил этилгандан бошлаб ўз фаолиятини олиб боради. Комплектлаш кутубхонанинг асосий бўлимларидан бири ҳисобланиб, унинг 22 та сектори мавжуд. Бўлимда 60 нафар ходим иш олиб боради. Мутахассислар Алерн дастури асосида китобларни тўқислашади.

Комплектлаш бўлими «Россия Давлат кутубхонаси фондини ягона комплектлаш профили маҳаллий ва хорижий ҳужжатлари» ягона профили ҳамда «Кутубхона иши», «Мажбурий нусхадаги ҳужжатлар» Федерал Қонунлари, «Россия давлат кутубхонаси» Федерал Устави, «Давлат стандартлари», «Россия кутубхонаси фонд тизими» Низоми шу билан бирга бир қатор норматив ҳужжатлар асосида иш олиб боради.

Адабиётларни комплектлаш жараёнида мажбурий нусхалар билан бўлимнинг бир сектори шуғулланса, китоб айирбошлаш йўли орқали келиб тушадиган ҳамда четдан сотиб олинadиган китоблар билан бошқа бир бўлим шуғулланади. Ҳар бир сектор раҳбари алоҳида иш фаолиятини олиб боради. Ҳисобот даврида ҳар бир секторнинг иши жамланиб умумий статистик кўрсаткичи тайёрланади.

Кутубхонадаги китоб фондлари марказий



асосий ва махсус асосий фондлари тартибда жойлаштирилган. Марказий асосий фонд универсал мавзу бўйича китоблар билан комплектланиб, кутубхонанинг асосий ҳаракатдаги фонди ҳисобланади.

Махсус асосий фондида эса алоҳида тоифага оид ҳужжатлар сақланади. Кутубхонага келган адабиётлар билан тўлдириш ва аниқ бир ҳолатига (қимматлилиги, тили, ҳужжатнинг тузилиши ва ахборотнинг қимматлилиги белгиси, ҳужжатнинг аниқ бир йўналиши) ва бошқа белгиларига қараб марказий асосий фонд ёки махсус асосий фондларга ажратилади. Кутубхонага янги келган ресурсларнинг 82 фоизини марказий асосий фонд, 18 фоизини эса махсус фондга оид ресурслар ташкил қилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, Россия Давлат кутубхонаси Россия Федерацияси кутубхоналарига методик марказ ҳисобланиб, кутубхона фаолияти тизимида жуда кўплаб изланишлар олиб бормоқда. Амалиёт сафари даврида жуда кўп янгилик ва инновацияларга гувоҳ бўлдик, у ердаги китобхонлар учун яратилган шароитлар диққат эътиборингизни тортмасдан қўймайди. Демак, биз ҳам ўзимизнинг самарали меҳнатимиз билан Ўзбекистон ҳудудида фаолият юритаётган ахборот-кутубхона муассасаларида янгиликларни жорий қилиб, иш тизимини такомиллаштириб етакчи дунё кутубхоналари сафига олиб чиқишимиз керак.



Кутубхонадаги китоб фондлари марказий асосий ва махсус асосий фондлари тартибда жойлаштирилган. Марказий асосий фонд универсал мавзу бўйича китоблар билан комплектланади, махсус асосий фондда эса, алоҳида категорияга оид ҳужжатлар сақланади

Дилноза Агзамова, главный специалист службы каталогизации и систематизации Национальной библиотеки Узбекистана

22-25 мая состоялась поездка в Российскую Федерацию для ознакомления с Государственной библиотекой РФ, Российской государственной библиотекой для молодежи, Российской государственной библиотекой для слепых, Российской государственной научно-технической библиотекой, Российской государственной Медицинской библиотекой, а также Научной библиотекой МГУ имени М.В. Ломоносова. В статье рассказано о практике работы Российских библиотек возможностями для читателей, их достижениях, а также кратко об отделе комплектования этих библиотек. ■